



Иқтисодий,
ижтимоий-сиёсий,
бадий-оммабоп газета

Asaka hayoti

Газета 1930 йил, 15 сентябрдан чиқа бошлаган.

2024 йил, 7 февраль, № 2 (7714).

ISSN 2110

ҒОЯГА ҚАРШИ ҒОЯ БИЛАН, ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ МАЪРИФАТ БИЛАН



Асака тумани "Қурама" маҳалла фуқаролар йиғини-

да ижтимоий фаол бўлган аҳоли, жумладан маҳалланинг нуруний отахон ва онахонлари, меҳнат фахрийлари ва ёшлар билан Республика Ишчи гуруҳи вакиллари иштирокида маҳаллада ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлиги учун сиёсий маърифат тадбири ўткази-

либ, илмий-амалий фикрлар ва зарур тавсиялар берилди. Шунингдек маҳалла "еттилик"нинг фаолияти марказида маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масаласи билан бир қаторда маънавият ва ижтимоий муҳит барқарорлиги туриши зарурлиги ўқитиб ўтилди.

Мазкур тадбирда меҳмонларга Дин ишлари қўмитасининг тумандаги вакили Н.Абдуғаниев ҳамроҳлик қилди.

Ватан - оналар дуосидаги ризоликдир



Андижон вилояти Миллий гвардия бошқармаси ва Асака туман бўлими ходимлари 59-умумтаълим мактабида "Ватандан яхши ёр бўлмас!" мавзусида кўргазмани чиқишлар қилдилар.

Мана шундай тадбирлар ўқувчи ёшлар зеҳниятини чарҳлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилиши табиийдир.

ҲОКИМ ЁРДАМЧИЛАРИ ҲИСОБДОРЛИГИ

Асака тумани "Мустақкам" маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳоким ёрдамчиси М.Холдарова 2023 йилда олиб борган фаолияти юзасидан эшитув ўтказилди.

М.Холдарованинг ҳисоботи тингланган мажлисда маҳалла



фаоллари, нурунийлар, хотин-қизлар ва ёшлар вакиллари иштирок этдилар.

Амалга оширилган ишлар

билан бир қаторда 2024 йилда бажарилиши режаланган дастурлар ва ишлар кўлами ҳақида ахборот берилди.

Асосий эътибор ишсизликни камайтириш, бандлик ва янги иш ўринларини ташкил қилиш, аynиқса хотин-қизлар, ёшлар бандлиги, тадбиркорликни кенгайтириш каби масалаларга қаратилди.

Мажлисда Республика Ишчи гуруҳи вакиллари ва 4-сектор аъзолари иштирок этдилар.

Сайёр тиббий кўрик



Асака тумани кўп тармоқли марказий поликлиникаси томонидан 1-сектордаги "Дўстлик" маҳалла фуқаролар йиғинида аҳолининг тиббий кўриги ўтказилди. Тор мутахассислардан иборат шифокорлар гуруҳи чуқурлаштирилган УЗИ, ЭКГ ва лаборатория аппаратуралари воситасида тиббий хулосалар ва муолажалар белгилаб, беморлар бепул дори-дармонлар билан таъминланиб, шифохонада даволанишга тавсия этилган беморлар йўлланма асосида туман марказий шифохонисига ётқизилди. Ушбу тиббий кўрик давомида бир нафар беморга ногиронлик аравачаси ҳада этилди.

Х.ИСРОИЛОВ,

Асака тумани ҳокимлиги Матбуот хизмати раҳбари.

Биринчи Президенти Ислон Абдуғаниевич Каримов таваллудининг 86 йиллигига ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ УЛУҒ ФАРЗАНДИ



30 январь-Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислон Абдуганиевич Каримов таваллуд топган кунга 86 йил тўлиши муносабати билан Ислон Каримов номидаги "Uzavtomotors" АЖда "Ўзбек халқининг улуғ фарзанди" мавзусида хотира тадбири ўтказилди. Тадбирда корхона жамоаси аъзоларидан ташқари Халқ депутатлари Асака туман кенгаши котибият мудир М.Саримсоқов, Ўзбекистон ХДП Асака туман кенгаши ташкилий бўлими бошлиғи М.Алибекова, меҳнат фахрийлари ва ёшлар

иштирок этдилар. Тадбирда корхона Бош директори Б.Андерсон, касаба уюшмаси кўмиатси раиси Ў.Мирзаев, Ўзбекистон қаҳрамони Ҳ.Қосимов, Халқ депутатлари Асака туман кенгаши котибият мудир М.Саримсоқовлар сўзга чиқишиб, Ислон Каримов ҳаёти ва меҳнат фаолияти ҳақида гапирдилар. Тадбир якунида Ислон Каримов хотира бюстига гулчамбар ва гулдасталар қўйилди.

Маликахон АЛИБЕКОВА,
Ўз ХДП туман кенгаши-
нинг ташкилий бўлим
бошлиғи.

БУЮК ИНСОН БОР!

Юртимда эъзоздир аждодлар ёди,
Уларнинг шарафига ўқиларо ашъор,
Бир умр қалбларда ўчмайди номи,
Бугун ёдга оларлик буюк инсон бор.
Ўзбекнинг номини элга таратган,
У туйфайли қалбларда ғурур ва виқор,
Бахшида умриила бахтни яратган,
Бугун ёдга оларлик буюк инсон бор
қай сохага қарасанг юксалиш ўсиш,
Юртим чирой очар такрор ва такрор,
Сўнгги нафасигача қилиб эзгу иш,
Бугун ёдга оларлик буюк инсон бор.
Авлодларин севди, солди дилга шахд,
Ҳамиша дилида бўлди бир шиор,
Деди фарзандларим бахтли бўлиши шар,
Бугун ёдга оларлик буюк инсон бор.



Зебо АЛИМОВА,

Узавтомоторс АЖ корхонаси

КОРРУПЦИЯ - ТАРАҚҚИЁТ КУШАНДАСИ

Коррупция фуқаронинг давлат вакили билан маъмурий муносабатлари маъно-моҳиятини ўзгартиради ва жамият учун ҳам, давлат учун ҳам салбий оқибатларни келтириб чиқаради. “Коррупция - давлат органлари ходимлари моддий ёки мулкий йўсинда ғайриқонуний шахсий наф кўриш мақсадида ўз хизмат мавқеидан фойдаланишида ифодаланадиган ижтимоий ҳодисадир.

Бугунги кунда республикаимизда жиноятчиликнинг сабабларини аниқлаш чоралари кўришмоқда, фош этилган коррупциячилар қаттиқ жазоланмоқда. Мамлакат ичидаги жиноятчилик доимо давлат томонидан қаттиқ назорат қилиб борилади. Жиноятчилик кенг авж олиб кетишига ва коррупциячилар домига илинган амалдорларнинг бебошлигига йўл қўймаслик мақсадида бир қатор узоқ муддатли чора-тадбирлар ишга солинган. Улар жиноятчиликка қарши кураш стратегиямизни белгилаб беради

Коррупция кенг қамровли тушунча бўлиб, у жамиятнинг айрим қатламлари, тоифалари, гуруҳларикундалик фаолиятига айланиб, ўзаро бир-бирига боғланиб, чирмашиб кетганлигидан кўз юмиб бўлмайди. “Нозик“, “чигалроқ“ ушбу масалада давлатнинг ҳуқуқ-тартибот идоралари бирмунча хушёр, зийрак бўлиши, шунингдек, нодавлат ташкилотлари, турли комиссиялар, журналистлар, мустақил судлар тизими фаолроқ ишлаши ҳақида тадқиқотчилар анчадан бери ёзиб келади. Сиёсатчилар, социологлар, психологлар, тарихчилар, давлат ҳамда жамоат органлари, сиёсий партиялар, энг муҳими, амалиётчилар масалани таҳлил этиш ва ечимини топиш устида бош қотириши лозим. Мамлакатда коррупция схемалари, меҳнат қилмасдан тезда бойиб қолиш механизмлари, ишланган усуллари “занжири“ узиб ташланмас экан, давлатимизнинг ҳар қандай сиёсий, иқтисодий ислохотини қайта олиб кириш, ҳалқни фаровон қилиш вазифаси қоғозда қолиб кетаверади.

Коррупция ва миллий тараққиёт масаласи - юрт тақдири, мамлакат келажаги учун ҳар қачонгидан муҳим ва долзарб аҳамият касб этади. Сабаби юртимиз аҳолиси бир асрлик мустамлакачилик даврида йўқотилган моддий ҳамда маънавий бойликлар ўрнини қайта тиклаш, иқтисодий ривожлантириш, миллий ўзликни асраш йўлида кечаю кун-

дуз меҳнат қиладиган давр келди.

Коррупция, биринчидан, жамиятда адолатсизлик, тенгсизлик ва аҳолининг норозилигига олиб келади, бу эса барча соҳадаги ислохотларнинг натижасига салбий таъсир этмай қолмайди; иккинчидан, фуқароларимизда ҳуқуқий онг ҳамда ҳуқуқий маданиятнинг етарли даражада эмаслиги, ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қила олмаслиги жамиятда адолат мезонининг бузилишини кўпайтиради; учинчидан, сиёсий институтлар, жамоат ташкилотлари шаклан демократик мезон, ғарб андозасига ўхшаса-да, мазмун-моҳиятига кўра, замон талабидан орқада қолмоқда, бу камчилик эса олдинга силжишимизга халақит беради.

қонунда коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органлари сифатида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти белгиланган бўлиб, коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа давлат органлари ҳам амалга оширишлари назарда тутилган.

Бинобарин, коррупцияга қарши курашишда аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабатни шакллантириш, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий таълим ва тарбия масалалари қонуннинг бир нечта моддаларида ўз ифодасини топган. Чунки ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданияти юксак бўлган ва ҳуқуқий таълим ва тарбия жиҳатдан етук бўлган инсонлар салбий иллат бўлмиш коррупцияга йўл қўймайдилар.

Мухтасар айтганда, коррупция - тараққиёт кушандаси, хавфсизликка таҳдид туғдирувчи хавфли жиноят. Бу иллатга қарши курашиш тегишли органларнинггина эмас, барчанинг иши бўлиши зарур. Шундагина биз ушбу хавфни бартараф этган бўламиз.

И.ЮНУСОВ,

Андижон ҳарбий прокурори ёрдамчиси адлия катта лейтенанти.

МАҚСАДИМИЗ ФУҚОРОЛАРГА СИФАТЛИ ХИЗМАТ КўРСАТИШ

БУГУНГИ КУНДА ФУҚОРОЛИК ҲОЛАТИ ДАЛОЛАТНОМАЛАРИНИ ЁЗИШ ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН АҲОЛИГА СИФАТЛИ ВА МАЛАКАЛИ ХИЗМАТЛАРНИ ЎЗ ВАҚТИДА ТЕЗЛАШТИРИЛГАН ТАРЗДА ХИЗМАТ КўРСАТИШГА ҚАРАТИЛГАН ЗАРУР БАРЧА ИШЛАР ОЛИБ БОРИЛМОҚДА. ЖУМЛАДАН АСАКА ТУМАН 1-СОН ФУҚОРОЛИК ҲОЛАТИ ДАЛОЛАТНОМАЛАРИНИ ЁЗИШ БўЛИМИ ТОМОНИДАН ҲАМ БУ БОРАДА,ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2023 йил 20 октябрдаги “НИКОҲ,ОИЛА ВА ФУҚОРОЛИК ҲОЛАТИ ДАЛОЛАТНОМАЛАРИНИ ҚАЙД ЭТИШ Тўғрисидаги“ ҚАРОРИ ИЖРОСИ ДОИРАСИДА ЭЪТИБОРГА МОЛИК ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. ТУМАНИМИЗДА ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ЎТГАН ДАВРИДА 5618 МИНГ НАФАР ТУҒИЛИШ ҚАЙД ЭТИЛДИ.ЖУМЛАДАН 1910 НАФАР НИКОҲ ҚАЙД ЭТИЛИБ, КЕЛИН КУЁВЛАРГА НИКОҲ ТУЗИЛГАНЛИГИ ҲАҚИДАГИ ГУВОҲНОМАЛАР ТОПШИРИЛДИ. ФХДЁ БўЛИМЛАРИДА АРИЗА БЕРУВЧИЛАРНИНГ ИСТАЛГАН ТАЛАБИГА АСОСАН ГЕРБЛИ ГУВОҲНОМАЛАРНИ ЭКСТЕРИТОРИАЛ ТАМОЙИЛ АСОСИДА РАСМИЙЛАШТИРИБ БЕРИШ ВА БАРЧА ТУРДАГИ ГУВОҲНОМАЛАРНИ ФУҚОРОЛАРГА УЙДАН ЧИҚМАГАН ҲОЛДА ПОЧТА ХИЗМАТИ ОРҚАЛИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ХИЗМАТИ ҲАМ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ.БўЛИМИМИЗДА АҲОЛИНИ ҲУҚУҚИЙ БИЛИМЛАРИН ЮКСАЛТИРИШ,ЁШ ОИЛАЛАРНИ МУСТАҲҚАМЛАШ, АЖРАЛИШЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШГА ҚАРАТИЛГАН ҚАТОР ТАДБИРЛАР МУНТАЗАМ РАВИШДА ЎТКАЗИЛИБ БОРИЛМОҚДА. ДАВР БИЛАН ҲАМНАФАС ИШ ОЛИБ БОРАЁТГАН БўЛИМИМИЗНИНГ ҲАР БИР ҲОДИМИ ЎЗ ЗИММАСИДАГИ ВАЗИФАСИНИ СИДҚИДИЛДАН АДО ЭТИБ, ФУҚОРОЛАРГА Йўналишимиз бўйича МАЛАКАЛИ ХИЗМАТ КўРСАТИШ,СОҲА ИШИНИ ЯНАДА ЮҚОРИ БОСҚИЧГА КўТАРИШ УЧУН АСТОЙДИЛ ХИЗМАТ ҚИЛАДИЛАР.

САОДАТХОН МАХМУДОВА,
АСАКА ТУМАН 1-СОН ФХДЁ
БўЛИМИ МУДИРАСИ:

✓ **ПАРТИЯ ҲАЁТИДАН**

Ёшларга янада

кенг имкониятлар яратилди.

2024 йил “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили” деб ном берилиши замирида жуда чуқур маъно мужассам. Зеро, навқирон авлод-давлат ва жамиятнинг ҳал қилувчи кучи. қолаверса , бизнесни кенг ривожлантириш ва шу орқали иқтисодий барқарорликка эришиш бугунги кунда муҳим масаладир.

Айни чоғда йигит-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдиган, ҳаётда муносиб ўрин топиши учун кўмак берадиган узиликсиз тизим яратилди. Ҳар қандай жамият тараққиётида унинг келажагини таъминлайдиган ёш авлоднинг соғлом ва баркамол,ҳар томонлама етук, замонавий билим ва хунарларни пухта эгаллаган, шижоатли бўлиб вояга етишиш ҳал қилувчи ўрин тутати. Асосий қонунимизда давлат ёшларининг шахсий, сиёсий,иқтисодий, маданий,экологик ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш,уларнинг жамият ва давлат ҳаётида фаол иштирок этишини рағбарлантириш белгиллаб қўйилган. Асосий қонунимизда бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳам алоҳида моддалар мавжуд. Айниқса ёшлар масаласига бўлган эътибор янада кучайиб, ижтимоий соҳалар ривожини мутлоқо янги босқичга кўтарилади.



Асака Ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникумида Ўзбекистон ХДП Асака туман кенгаши ташаббуси билан Эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳларни олишни олиш, туғилишлар ортаси, мақбул оралиқларга риоя қилиш, ирсий касалликлар профилактикаси доирасида тарғиб қилиш мақсадида “Эрта турмушни олдини олиш” мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Давра суҳбатида Ўзбекистон ХДП Асака туман кенгаши раиси М.Дадажонов, ўринбосари М.Алибекова, Асака туман 1-ФХДЁ мудир, С.Махмудова ва 2-ФХДЁ мудираси И.Жалилова-лар иштирок этдилар. Тадбир давомида талабалар нафақат эрта турмушга чиқиш саълбий оқибатлари, ватан туйғуси тўғрисида ҳам Ўзбекистон ХДП Асака туман кенгаши раиси М.Дадажонов тушунчалар берди. Ёшларни ўзлари қизиқтирган бошқа саволларга ҳам батафсил жавоб олиш имконига эга бўлдилар.

Шахнозахон СИДДИҚОВА,

Ўзбекистон ХДП Асака туман кенгаши ижрочи котиби.

ЛОЙИҲАЛАР АСОСИДА ТАДБИРЛАР

Ўзбекистон ХДП Асака туман кенгашида партия лойиҳалари асосида тадбирлар, давра суҳбатлари давом этмоқда. Бугун 24 январь куни тумандаги Ибн Сино МФЙ БПТ да “Эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олиш мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Давра суҳбатини туман кенгаши бўлим бошлиғи Махбубахон қодирова ўтказди.Давра суҳбати қизиқарли ва савол жавоблар билан ўтди.



Ўзбекистон ХДП Асака туман кенгашида „Эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳларни олдини олиш,, лойиҳаси бўйича туман ФХДЁ бўлимида давра суҳбати ўтказилди



Ўзбекистон ХДП Асака тумани Бобур МФЙ БПТ раиси Ферузахон Тўлақова ҳамда партия фаоли Бохорой Жумабоевалар ҳудуддаги эҳтиёжманд ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни аниқлаш ва уларга кўмак бериш мақсадида хатлов ўтказдилар. Хатлов натижалари асосида аниқланган оилалар ва хонадонларни манзилли қўллаб - қувватлаш бўйича чоралари кўрилиши белгилаб олинди.



Ўзбекистон ХДП Асака туман Чек МФЙ ҳудудидаги 2-сон касб -хунар мактабида давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев раислигида республика Маънавият кенгаши ҳамда Хавфсизлик кенгашида ўтказилган мажлисларда ўсиб келаётган ёш авлодни ватанга фидойилик билан ўстириш,юртга меҳр бериш,уларнинг сиёсий, ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш мавзусида “Сафимиздаги ёшлар“ лойиҳаси доирасида учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда туман кенгаши раиси М.Дадажонов иштирок этиб, мавзу бўйича ёшларга кенг тушунчалар берди. Учрашув қизиқарли бахслар асосида ўтказилиб,ёшлар ўртасида “Заковат“ интеллектуал ўйинлари ва спрот мусобақаларига уланиб кетди.

Махбубахон ҚОДИРОВА

Ўз ХДП туман кенгаши мафкура бўлими бошлиғи.

✓ **Инклюзив таълимга эътибор****Соғлом муҳит, соғлом она, соғлом бола - соғлом келажак**

Келажаги буюк Ўзбекистонга ақлан етук фарзандлар керак. Бизга маълумки, боланинг ақлий фаолияти она тилини эгаллаш давомиди, катталар билан муомала қилиш таъсирида шаклланади. Шунинг учун болага таълим беришни, фикр алмашишни кичик ёшдан бошлаган маъқул.

Руҳий олатнинг ўсиши, кечиккан болаларга аллоҳида эътибор қилишга тўғри келади. Ота-она бундай фарзандни тарбиялашда бироз қийинчиликка дуч келади. Бундай фарзанд она қорнида хасталликка чалиниши, ноқулай шароитда чала туғилиши, туғилиш даврида лат ейиши ёки илк ёшлиқда оғир меъда-ичак, баъзан юқумли касаллик билан оғриши оқибатидан келиб чиқади. Бундай фарзанд ақли заиф ҳисобланмайди. Аммо унинг ўсишида, хатти-ҳаракатида меъёридан четлашиш ҳолатлари учраб туради.

Биринчиси жисмоний, иккинчиси руҳий кучсизлик, ожизликдан иборат нуқсонлардир. Бундай ҳолат хомилилик даврида ноқулай шароитда тараққий этиши бўлса, яна баъзилари мия касалликлари сабабидан пайдо бўлиши мумкин.

Биринчи гуруҳга хос болалар ўта

толиқувчанлиги, кучсизлиги, ишқмаслиги билан ажралиб туради. Тез толиққанлиги сабабли ишчанлик пасаяди, натижада диққатнинг тўпланиши қийинлашиб хотира сусаяди. Бундай бола боғчанинг тайёрлов гуруҳига ўтганда, шу билан бир қаторда уйда бажариладиган машғулотларни бажариш даврида, бирорта машғулот пайтида қийналади. Бундай болада товуш ва харфларни англаш қийинчилик билан амалга ошади. Шу сабабдан ўқиш, ёзиш, оғзаки ҳисоблаш усул ва малакаларини эгаллаши жараёнида тарбиячи ва услубчилар кўп қийинчиликларга дуч келади.

Руҳий дунёсининг ўсиши орқада қолган иккинчи гуруҳга хос бола ва мактабга келганда ҳам унда мактабга ёшдаги қизиқишлари устунлик қилади. Бундай болаларнинг айримлари уйда ва боғчада ташкил қилинган машғулотларда энг кам қатнашувчи, сусткаш бўлса, айримлари тиним билмас, уришқоқ ноқобул бўлади. Бундай бола ҳолатини қанча эрта аниқланса, шунча яхши бўлади. Ҳар бир болага яқка-яқка муомала қилиш зарур. Тарбия жараёнида камчилик ва нуқсонларни тузатишга эътиборни қаратиш керак.

Авалло бола билан илиқ муомала қилиш, машғулотларга қизиқишни уйғотиш, ўз-ўзига ишончини кучайтиришдан иш бошлаш зарур. Бунинг учун уйда ҳам, мактабга таълим ташкилотида ҳам илиқ иқлим, осойишта кайфият вужудга келтириш айтиш мумкиндир.

Қовушмаган, бефарқ, бўлар-бўлмас нарсаларга диққати чалғидиган бола учун тинч осойишта шароит бўлиши даркор. Ундай болани деразадан узоқроққа ўтказиш, олдида ортиқча нарсаларни олиб қўйиш, доимо тўғри, қўл ва оёқларини қимирлатмай ўтиришига эътибор бериш зарур. Бола бундай талабга дастлаб қийинчилик билан қўйиладиган, лекин хотиржам оҳангда қатъий ва узлуксиз шартларни бажаришга ўргатилса, бола кўника боради. Унинг хоҳиш ва интилишларини ҳисобга олган ҳолда унча қийин бўлмаган, лекин қизиқарли топшириқ бериш керак.

Камолотдан орқада қолган болани мактабга таълим ташкилотларида тез-тез сайрларга олиб чиқиш, экскурсиялар ташкил қилиш, табиат ҳодисалари ва уни қўраб олган борлиқни кузатишга, нарсаларни бир-биридан фарқлай олиш ўрга-

тиш лозим. Қатор ўтказилаётган тадбирлар аста-секин болада билим, амалий кўникмаларнинг тўпланишига олиб келди. “Илк қадам” давлат ўқув дастурини ва “Ривожлантирувчи марказлар”да олиб бориладиган барча фаолиятларни ўзлаштириш учун имконият яратиб беради.

Бола машғулотида толиқса, ишчанлиги пасайса, қизиқ ҳикоя айтиб бериш, унинг ўзини сўзлатиш, у ёки бу топшириқ бериш усулларида фойдаланиш керак.

Ушбу баён қилинган фикрлар камолотдан вақтинча орқада қолган болаларнинг ақлий ўсишига ёрдам беради, ижобий фазилатлардан вужудга келтиради, мавжуд нуқсонларни бартараф қилади, ҳамда боланинг тенгдошлари билан бирга баркамол ўсишига, тарбияланишга ва мактабга муваффақиятли тайёрлайди.

Бунинг учун тарбиячи ва педагоглар ўз устида ишлаши, янги инновацион педагогикадан фойдаланиш зарур.

Насибхон АБДУРАЗЗАҚОВА,
Асака педагогика коллежи
ўқитувчиси.

MAMLAKATNING IJTIMOIIY-IQTISODIY RIVOJLANISHIDA AHOLINI RO'YXATGA OLIISHNING AHAMIYATI VA AHOLINI RO'YXATGA OLIISH TARIXI

Aholini ro'yxatga olish o'zi nima uchun kerak? Ko'pyillik dasturlar, amalga oshirilayotgan tizimli o'zgarishlar va belgilab olinayotgan rejalar manzil aniq bo'lsagina, yuqori samara beradi. Qo'limizda har bir hududga doir aniq faktlar bo'lsa, rejalarimiz ham, amallarimiz ham manzilli va puxta bo'ladi. Aynan shuning uchun bizga butun Respublika yoki viloyatni qamrab oladigan ishonchli ma'lumotlar kerak va ular doimiy ravishda yangilanib borilishi shart. Bunda yanig va yaxlit ma'lumotlar esa aholini ro'yxatga olish asosida olinadi. Shunga qarab o'tmish va bugun haqida fikr-mulohaza yuritish hamda kelajakni farazlash mumkin.

Aholini ro'yxatga olish aholining yoshi, jinsi, milliy tarkibi, ma'lumot darajasi, oilaviy holati, bandligi va boshqa tavsiflari haqida ma'lumot olishning yagona manbai hisoblanadi. Aholini ro'yxatga olishning tarixi

Aholini ro'yxatga olish ya'ni odamlar hisobini yuritish amaliyoti ilk bor miloddan

avvalgi 3-ming yillikdan boshlangan. Bu jarayon dastlab Osiyo va Afrika davlatlari, Misr, Mesopotamiya, Hindiston, Xitoy va Yaponiyani qamrab olgan. Bu islohotdan ko'zlangan maqsad soliq to'lovchilar va askarlikka yaroqli aholi sonini aniqlash bo'lgan. Ilk o'rta asrlarda mazkur tartibot birmuncha takomillashgan. Aholini hisobga olish elementlari xo'jaliklarning yozma kitoblar, kadastrlardagi tavsiflari bilan uyg'unlashgan.

Aholini universal ro'yxatga olish 1665 yilda Yangi Fransiya (Kvebek) koloniyasida bo'lib o'tdi. AQShda 1790 yilda to'liq aholini ro'yxatga olish ishlari olib borildi. Aholini ro'yxatdan o'tkazish bo'yicha zamonaviy bosqich XX asrning o'rtalaridan boshlangan va o'sha davrda bir qator Osiyo mamlakatlarida aholi ro'yxatdan o'tkazilgan. XX asrning oxiriga kelib esa aholini ro'yxatga olish dunyoning deyarli barcha hududini qamrab oldi.

F.IMINOXUNOV,
Andijon shahar
statistika bolimi boshligi.

ЎИМОР ВА ТАВАККАЛЧИЛИККА АСОСЛАНГАН ЎИИНЛАРНИНГ ЖИДДИЙ ОҚИБАТЛАРИ

Сўнгги пайтларда онлайн қимор ўйинлари айрим тоифадаги инсонлар ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб бормоқда. Бундай ўйинлар натижасида нафақат молиявий таъсирга, балки қарамликни келтириб чиқарувчи ҳиссий таъсирга ҳам тушиб қолиш ҳолатлари кўп учрамоқда.

Миллий урф-одатларимиз ва менталитетимизга, шунингдек, диний қарашларимизга ёт бўлган қимор ўйинларини ноқонуний равишда ташкил этиш ҳолатлари, айниқса, онлайн тарзда оммалашиб, ўсмир ва ёшларни ўз домига тартаётгани ачинарли ҳолатлардан биридир.

Ҳаттоки, бундай ўйинларда кўп миқдориди пулини ютказиб қўйиб, охир-оқибат ўз жонига қасд қилиш ёки ютказиб қўйган пулини тўлаш учун жиноят содир қилиш ҳолатлари ҳам юз бермоқда.

Албатта Ўзбекистон Республикасида қимор ва таваккалчиликка асосланган ўйинларни ўйнаш, ташкил этиш ва ўтказиш қонун билан тартибга солинган.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда республикада тотализатор ва букмекерлик фаолиятини амалга ошириш ва албатта, бун-

дай хизматларни реклама қилиш ноқонуний ҳисобланади. Бу борада ўтказилган ўрганишларда натижасида Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда тотализатор ва букмекерлик рекламасини ноқонуний равишда юритувчи бир қанча сайтларга кириш чеклаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 983-моддасида қимор ва гаров ўйинлар уюштирган ҳамда уларда иштирок этиш билан боғлиқ талаблар белгиланган бўлиб, унга кўра, фуқаролар ва юридик шахсларнинг таваккалчиликка асосланган қимор ёки гаров ўйинлар уюштириш ёки уларда иштирок этиш билан боғлиқ талаблар судда Ҳимоя қилинмайди.

Шунингдек, мамлакатимизда қимор ва таваккалчиликка асосланган ўйинларни қонунга ҳилоф равишда ташкил этиш ҳамда ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 278-моддасида жиноят сифатида белгилаб қўйилган. Қолаверса, бундай ўйинларда қонунга ҳилоф равишда иштирок этиш, вояга етмаган шахсни қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа

ўйинларда иштирок этишга жалб қилиш Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 191-моддасида маъмурий ҳуқуқбузарлик сифатида эътироф этилган.

Вояга етмаган шахсни қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларга жалб қилиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд тўрт ойгача қамол билан жазоланади.

Хулоса қилиб айтганда бугунги кунда қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни қонунга ҳилоф равишда ташкил этиш ёки ўтказиш, уқароларга нафақат руҳий таъсир ўтказиши, балки молиявий қарамликка дучор этиб, оилавий низолаарга ҳам сабаб бўлади. Шунингдек, ушбу фаолият нақд пулларнинг банкдан ташқари муомаласи кўпайишига йўл очади. Фуқароларнинг оғоҳлигини ошириш, давлатнинг бу борадаги назоратини кучайтириш ҳамда ота-оналар томонидан ўз фарзандларининг бўш вақтларидан унумли фойдаланиши устидан мунтазам назорат олиб борилиши юқоридаги каби салбий иллатларнинг олдини олишга хизмат қилади.

И.ХАЛИЛОВ,
Андижон ҳарбий прокурори
ўринбосари.

Aholini ro'yxatga olishda qanday vazifalarni bajarish ko'zda tutilgan?

Keyingi uch yil davomida mas'ul mutasaddilarni qaynoq ish jarayoni kutib turibdi. Ularni muvaffaqiyatli bajarish bilan O'zbekistonning har bir viloyati, shahari, tumanidan tortib mahallasiyu ko'chasiga, chekka qishloq va olis ovullarigacha aloqador bo'lgan barcha ma'lumotlarni o'zida aks ettirgan yagona axborot bazasiga ega bo'lamiz. Bu qimmatli ma'lumotlar esa bizga bugun, ertaga va yaqin kelajakda juda asqatadi.

X.REJABOV,
Izboskan tumani statistika bo'limi boshlig'i.

АТ ХАЛҚ БАНКИ АСАКА ТУМАНИ БАНК ХИЗМАТЛАРИ МАРКАЗИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ
© **ЭЪЛОН**

АТ Халқ банки тизимида хизмат кўрсатиш жаараёнларини оп-тималлаштириш мақсадида барча филиаллар ягона банк кодига ўтказилди.

Жумладан Андижон вилоятининг Асака (00650) филиалининг фаолияти тўлиқ якунланганлигини маълум қиламиз.

Бугунги кунда ушбу филиал ўрнида замонавий Банк хизматлари маркази ташкил этилиб, миждозларга сифатли ва тезкор барча турдаги банк хизматларини кўрсатиб келмоқда.

Асака Банк хизматлари марказимизга ташриф буюринг, хизматимиздан мамнун бўласиз.

АТ Халқ банки Асака Банк хизматлари маркази.

Aholini ro'yxatga olish to'g'risida umumiy tushuncha

Aholi sonini ro'yxatga olish mamlakatda yashovchi barchaga tegishli bo'lgan demografik, iqtisodiy va ijtimoiy ma'lumotlarni yig'ish, umumlashtirish, baholash, tahlil va e'lon qilishning yagona jarayonidir. U aholi to'g'risidagi ma'lumotlarning asosiy manbai bo'lib, kelgusi 10-20 yillik rivojlanishning prognoz ko'rsatkichlarini hisoblash uchun ishonchli poydevor yaratadi. Aholi migratsiyasi to'g'risidagi ma'lumotlar shakllantiriladi. O'z navbatida, hududlarni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish, aholi bandligi, ayollar va bolalar salomatligini yaxshilash va oilalarga yordam ko'rsatish bo'yicha dasturlarni manzilli ishlab chiqishda axborot tarzida foydalaniladi. Aholi sonini ishonchli hisoblash bo'yicha rasmiy statistika tizimida asosiy rol o'ynaydi.

aholini ro'yxatga olish - O'zbekiston Respublikasining butun hududida yoki uning muayyan hududlarida o'tkaziladigan, belgilangan sanada aholining demografik va ijtimoiy-iqtisodiy tavsiflarini belgilovchi shaxsga doir ma'lumotlarni yig'ish hamda ularga ishlav berish davriy jarayoni;

aholini ro'yxatga olish sanasi - aholi to'g'risidagi ma'lumotlarni yig'ish va hisobga olish amalga oshiriladigan aniq payt (yil, oy, kun va soat);

respondentlar - aholini ro'yxatga olish sanasida

O'zbekiston Respublikasi hududida bo'lgan O'zbekiston Respublikasi fuqarolari, chet el fuqarolari va fuqaroligi bo'lmagan shaxslar, O'zbekiston Respublikasida doimiy yashovchi, lekin aholini ro'yxatga olish sanasida uning hududidan tashqarida bo'lgan O'zbekiston Respublikasi fuqarolari;

ro'yxatga olish varag'i - ko'rsatilgan savollar bo'yicha shaxsga doir ma'lumotlarni yozib olish uchun belgilangan shakldagi blanka;

ro'yxatga olish hujjatlari - aholini ro'yxatga olishga tayyorgarlik ko'rish va uni o'tkazish jarayoniga taalluqli hujjatlar majmui;

ro'yxatga oluvchi xodimlar - O'zbekiston Respublikasining aholini ro'yxatga olishga tayyorgarlik ko'rishga va uni o'tkazishga jalb etilgan, maxsus o'quvdan o'tgan voyaga yetgan fuqarolari;

uy xo'jaligi - bitta turar joyda yoki uning bir qismida birgalikda yashaydigan, o'zini yashash uchun barcha zarur narsalar bilan ta'minlaydigan, umumiy xo'jalik yuritadigan, pul mablag'larini to'liq yoki qisman birlashtiradigan va sarflaydigan shaxslar yig'indisi. Bu shaxslar qarindoshlik munosabatlarida bo'lishi yoki bo'lmashligi mumkin. Uy xo'jaligi bitta shaxsdan iborat bo'lishi mumkin.

M.RAYIMQULOV
Buloqboshi tumani
statistika bo'limi boshlig'i.

Aholini ro'yxatga olishni o'tkazish natijalari nima beradi?

Aholini ro'yxatga olishning asosiy maqsadi mamlakatning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish prognozlarini ishlab chiqish, demografik ko'rsatkichlarni hisoblash

va prognozlash, mehnat resurslari joylashuvi va ulardan foydalanishni o'rganish hamda ilmiy tadqiqotlar olib borish uchun aholi to'g'risida ishonchli va xolis axborotlarni olish hisoblanadi.

Aholini ro'yxatga olishning asosiy vazifalari quyidagilardan iborat:

- aholining sog'ligini mustahkamlash, xotin-qizlar va bolalar uchun shart-sharoitlarni yaxshilash, oilalarga yordam ko'rsatish bo'yicha choralarni ishlab chiqish maqsadida, aholi tarkibidagi, demografik vaziyatdagi o'zgarishlarni baholashga doir ma'lumotlar bazasini kengaytirish;

- shaharlarni va boshqa aholi punktlarini ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish, mehnat resurslarini joylashtirish hamda ulardan foydalanishning uzoq, o'rta va qisqa muddatli prognozlari va dasturlarini tayyorlash;

- aholini ro'yxatga olish davri oralig'idagi aholi soni va tarkibining joriy hisobini, hisob-kitoblarini hamda prognozlarini amalga oshirish;

- ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish masalalari bo'yicha ilmiy tayyorgarlik jarayonidagi eng muhim masala, aholini ro'yxatga olishda faol ishtirok etish bo'yicha aholi o'rtaida targ'ibot ishlarini olib borish, reklama roliklari, logotip va shiorlar ishlab chiqish hamda boshqa shu kabi tadbirlar amalga oshiriladi.

Begijon SULTONOV,
Bo'ston tumani. Statistika
bolim boshligi.

Меросхўрлар диққатига!

Асака тумани Бирдамлик МФЙ Тошкентбоев 1-берк кўчаси 5 уйда яшаб 2014 йил, 22 сентябрь куни вафот этган Мадаминов Мамитжоннинг, Асака тумани Бўзакриқ МФЙ Янги ҳаёт кўчаси 69-уйда яшаган 2018 йил 22 ноябрь куни вафот этган мархум Миркомилов ФахридинТожимуродовичнинг, Асака тумани Муқимий МФЙ Тошкенбоев кўчаси 22 “а” уйда яшаб 2022 йил 18 июль куни вафот этган мархум Султонов Мамадалининг, Асака тумани Хонақа МФЙ Ёшлик кўчаси 28-уйда яшаб 2023 йил 7 апрель куни вафот этган мархум Карабоев Абдуллажоннинг, Асака тумани Кужган МФЙ қассоб кўча 114-уйда яшаб, 2019 йил 18 январь куни вафот этган мархума қосимов Маматқодирнинг, Асака тумани Беклар МФЙ Беклар кўчаси 248-уйда яшаб, 2002 йил 23 июль куни вафот этган мархум Тождинов Абдулҳакимнинг, Асака тумани Оқбўйра МФЙ Юқори кўча 18-уйда яшаб, 2023 йил 19 февраль куни вафот этган мархум Рахимов Набижоннинг, Асака тумани Беклар МФЙ Беклар кўчасида яшаб, 2023 йил 11 июль куни вафот этган мархум қаюмов Хусанбой Эргашовичнинг, Асака тумани Хонақа МФЙ Тўрттош маҳалласи 36-уйда яшаб, 2016 йил 14 май куни вафот этган мархум Абдуллаев Султонқулнинг, Асака тумани Эргашобод МФЙ Ободлик кўчасида яшаб, 2021 йил 4 апрель куни вафот этган мархума Бобохонова Гавхаржоннинг, мол мулкига нисбатан мерос иши очилиши муносабати билан барча меросхўрларни Асака тумани Соҳилбўйи кўчаси 8-уйда жойлашган хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Н.Хоналиевга мурожаат қилишлари сўралади.

Асака тумани Дастурхончи маҳалласида яшаб, 2021 йил 9 июль куни вафот этган мархума Жўраева Ўқтамжоннинг, Асака тумани Хонақа кўчасида яшаб, 2021 йил 08 январь куни вафот этган мархума Ташматова Донохоннинг, Асака тумани Саодат кўчасида яшаб, 2021 йил 30 август куни вафот этган мархум Айсақов Бодир Кабилджановичнинг, Асака тумани қашқар кўчасида яшаб, 2023 йил 09 февраль куни вафот этган мархум Хошимов Мааматхўжанинг, Асака тумани Асака кўчасида яшаб, 2023 йил 10 февраль куни вафот этган мархума Абдурахимова Дилромхон Эшанқулловнанинг, Асака тумани Ниёзботир кўчасида яшаб, 2015 йил 18 сентябрь куни вафот этган мархума Мирзарахинова Махбубанинг, мол- мулкига нисбатан мерос иши очилиши муносабати билан барча меросхўрларни Асака тумани Умид кўчасида жойлашган хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус М.қурбоновга мурожаат қилишлари сўралади.

Асака тумани Хонақа МФЙ Умид кўчасида яшаб, 2011 йил 13 июнь куни вафот этган мархум Мамасолиев Азизбек Авазбековичнинг, Асака тумани Камрлрт МФЙ Тиллахон кўчасида яшаб, 2023 йил 14 февраль куни вафот этган мархум Абдулазизов Адилжоннинг, Асака тумани Нурафшон МФЙ Гулшан кўчаси 47-уйда яшаб, 2023 йил 14 июнь куни вафот этган мархум Матбабаев гуломқодир қучқарбоевичнинг, Асака тумани Арғин МФЙда яшаб, 2024 йил 11 январь куни вафот этган мархум Рўзиқулов Элёрбек Хайрулло ўғлининг, Асака тумани Юқори Бўз МФЙ Чек кўчаси 4-уйда яшаб, 2021 йил 9 август куни вафот этган мархум Абдурахмонов Ёқубжоннинг, мол-мулкига нисбатан мерос иши очилаётганлиги муносабати билан барча меросхўрларни Асака шаҳар Барака МФЙ Умид кўчасида жойлашган хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус И.Исломов бошчилигидаги нотариал идорасига мурожаат қилишлари сўралади.

Асака тумани Тажриба МФЙда яшаб, 2022 йил 22 март куни вафот этган мархум а Ибрагимова Иноятжоннинг, Асака тумани қайрағоч МФЙ Оқсув кўчаси 17-уйда яшаб, 2014 йил 02 январь куни вафот этган мархума Махмудова Тўхтажоннинг, Асака тумани Файзиобод МФЙ А.Ашуров кўчасида яшаб, 2009 йил 04 ноябрь куни вафот этган мархум Тошматов Мипкрмулнинг, Асака туманида яшаб, 2002 йил 03 июль куни вафот этган мархум Тўйчиев Муталибнинг, мол- мулкига нисбатан мерос иши очилиши муносабати билан барча меросхўрларни Асака тумани Соҳил бўйи кўчаси 9-уйда жойлашган хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус А.Аминовга мурожаат қилишлари сўралади.

Асака тумани Хонақа МФЙ Мўдай кўчасида яшаб, 1995 йил 10 июнь куни вафот этган маархума Абдуллаева Шахзоданинг, Асака туманида яшаб, 2020 йил 22 сентябрь куни вафот этган мархума Таджиматова Минуранинг, мол- мулкига нисбатан мерос иши очилиши муносабати билан барча меросхўрларни Асака тумани Истиклол МФЙ Карвонсарой кўчаси 121-а уйда жойлашган хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус С.Салоҳиддиновга мурожаат қилишлари сўралади.

Асака тумани КамолотМФЙ Тўқимачилар кўчаси 155-уйда яшаб, 2021 йил 1 апрель куни вафот этган мархум Кадиров Алишер Джумабоевичнинг, мол- мулкига нисбатан мерос иши очилиши муносабати билан барча меросхўрларни Асака туманида жойлашган хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Н.Абдуллаевга мурожаат қилишлари сўралади.

ДИҚҚАТ ЭЪЛОН!

2024-yil yanvar oylari yakuni bo'yicha quyidagi statistika hisobotini xato va kamchiliklarsiz belgilangan muddatdan kechiktirmay stat.hisobot.uz sayti orqali eStat-4.0 dasturidan foydalangan holda elektron shaklda taqdim etishingizni so'raymiz:

Tijoratchi tashkilot bo'lgan yuridik shaxslar (kichik korxona va mikrofirmalar, fermer xo'jaliklari, banklar, sug'urta tashkilotlaridan tashqari), tijoratchi tashkilot bo'lgan yuridik shaxslarning alohida bo'linmalari:

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi

Statistika agentligi direktorining 2023-yil 9-oktabrdagi 69-mb-son buyrug'iga 94-son ilovasi bilan tasdiqlangan “Tashkilotning moliyaviy ahvoli to'g'risida”gi “12-moliya shakli” oylik hisobotini 18-fevral sanasidan kechiktirmay.

Shuningdek, mansabdor shaxslarning davlat statistika kuzatuvini olib borish uchun zarur bo'lgan hisobot va boshqa ma'lumotlarni taqdim etmaslikda ifodalangan davlat statistika hisobotlarini taqdim etish tartibini buzishi, hisobot ma'lumotlarini buzib ko'rsatishi yoki hisobotlarni taqdim etish muddatlarini buzishi

O'zbekiston Respublikasi Ma'muriy javobgarlik to'g'risidagi kodeksining 215-moddasida belgilangan javobgarlikka sabab bo'lishi to'g'risida ogohlantiramiz.

Murojaat uchun telefon raqamlari: (97) 201-01-11
Asaka tuman statistika bo'limi.

БИЛДИРУВ

Асака тумани Беклар МФЙ Беклар кўчасида яшаган қаюмов Хусанбойга тегишли “Дамас” русумли 60 W 706 ОА давлат белгили автомашинанинг техник паспорти йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ДЕБ ХИСОБЛАНСИН.**



Муҳаррир
Раъно Атабоева.

Газета Андижон вилояти матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 11 февралда № 04-016 тартиб рақами билан рўйхатга олинган.

Тахририят манзили:
Асака шаҳри, Соҳил бўйи кўчаси, 6-уй, 32-хона.

Нашир кўрсаткичи: 64713. Офсет усулида босилган.
Ҳажми 1 босма табоқ. Қўғоз бичими А-3.
Баҳори келишилган нархда.

Телефон: 232-35-73.
E-mail Asaka_hayoti@www.uz.

Тахририятга келган кўлэзмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета сифати учун босмахона жавоб беради.

Тижорат белгиси —(t)

Газета «Наманган Полиграф Пресс» МЧЖ компьютер марказида саҳифаланиб, чоп этилди.
Босмахона манзили:
Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Навоий кўчаси, 36-уй.

Навбатчи: Д.Хозинова.

